

# "КОРРУПЦИЯ - ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ"



Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир ҳудудий Кенгаш аъзосининг, қолаверса, ҳар бир инсоннинг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан жорий йилнинг 23 август куни Узун тумани “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банк ходимлари иштироқида давра сұхбати ўтказилди.

Давра сұхбатида Узун тумани ИИБ жиноят бўлими бошлиғи Ўринов Ғайрат Абдуғаниевич томонидан коррупция тушунчаси, пластик картадан пул ўғирланиши сабаблари, коррупциянинг ижтимоий ҳукуқий ҳодиса сифатидаги

мазмунни, жамиятда коррупцияга муносабат тушунчалари бўйича кўрсатмалар берди.

Мазкур йиғилиш танқидий саволлар, таклифлар ва мулоҳазаларга бой таризда ўтди.

### **Узун тумани ахборот хизмати**